БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 19 (766)

26 ЯНВАРЬ ШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

**Биз партия ва ҳукуматни ишонтириб айтамизки, Ўзбекистон меҳнаткашлари улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига мусобақани кенг авж олдириб, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш учун курашда янги муваффақиятларга эришадилар ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг республика олдига қўйган вазифаларини шараф билан бажарадилар.**

## Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг 1957 йилги

# МАЖБУРИЯТЛАРИ

Утган, 1956 йил Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ кураши белгиси остида ўтди. Утган йил мамлакатимиз халқ хўжалигини янада зўр куч билан юксалтириш, совет кишиларининг моддий фаровонлигини тағин ҳам ошириш, социалистик маданиятни юксалтириш беш йиллигининг — олтинчи беш йилликнинг биринчи йили бўлди.

КПСС XX съезди белгилаб берган коммунистик қурилишнинг улуғвор программасидан руҳланган Совет Иттифоқи меҳнаткашлари 1956 йилда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида зўр муваффақиятларга эришдилар. Мамлакат электр қувватини, пўлат ва прокатни, кўмир ва нефтни, машиналарни, бошқа ускуналарни ҳамда халқ истеъмол қиладиган буюмларни кўпроқ олабошлади. Саноатнинг барча тармоқларидаги корхоналарда техникани тараққий эттириш йўлида янги қадам қўйилди, такомиллаштирилган техника ва илғор технология жорий қилинмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан олдинга силжиди. Партия ва ҳукуматнинг кейинги йилларда қабул қилган қарорлари туфайли колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини тўхтовсиз ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароит вужудга келди. Россия Федерацияси ва Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ғалла учун курашда шонли ғалабага эришдилар. Совет халқи москвалик ва воронежлик чорвадорлар эришган зўр муваффақиятлар билан фахрланмоқда.

Утган йил Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари учун ҳам ажойиб йил бўлди.

Республика саноати планни 104 процент бажариб, топшириқдан ташқари 800 миллион сўмлик маҳсулот берди. Жуда катта саноат ва уй-жой-маиший бинолар қурилиши кенгайтириб юборилди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашда эришилган меҳнат ғалабалари бизни айниқса қувонтиради. Колхозчилар, МТС, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва комсомол ташкилотлари, республиканинг совет ва қишлоқ хўжалик органлари пахтачиликни юксалтиришда анча иш қилдилар, мўл ҳосил етиштирдилар, бу эса пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажаришни таъминлади. Давлатга 2.860 минг тонна «оқ олтин» топширилди. 1 миллион 300 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 22 центнердан, яъни 1955 йилдагига қараганда 3 центнердан кўп пахта олинди.

Республика ғалла, жун, тухум, сут, сабзавот, картошка, узум, қоракўл тери ва пилла тайёрлаш ҳамда харид қилиш планларини ҳам муваффақиятли бажарди. Чорвачиликни ривожлантиришда яхши натижаларга эришилди. Маҳсулдор чорва моллар сони кўпайтирилди, 1955 йилдагига қараганда бир ярим баравар кўп сут олинди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати республика колхозчиларининг, МТС ва совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, партия ва совет ходимларининг, барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатига юксак баҳо бердилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ўзбекистонда пахтачиликни юксалтириш соҳасида катта иш қилинганлигини қайд қилдилар. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригини ҳамда Ўзбекистоннинг ҳукумат олий мукофоти билан тақдирланганлигини республика меҳнаткашлари зўр ватанпарварлик хис-туйғуларига тўлиб-тошиб кутиб олдилар.

Колхозлар ва совхозлар деҳқончилик маданиятини оширганликлари, чигит экиш ва ғўзани парвариш қилишнинг новаторларнинг тажрибасида синалган, ҳамда Ўрта Осиё, Закавказье ва Қозоғистон республикалари пахтачилик ходимларининг 1954 йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган Кенгаши томонидан тавсия қилинган янги, прогрессив усулларига узил-кесил ўтганликлари туфайли Ўзбекистон пахтакорлари мана шу муваффақиятларни қўлга киритдилар. 800 минг гектар ерда ғўза квадрат-уялаб жойлаштирилди, шундан 700 минг гектаридан кўпроқ ердаги ғўза қатор оралари узунасига ва кўндалангига машина билан ишланди. Бу эса кўклам ва ёзда об-ҳаво ноқулай келганлиги сабабли бир қанча областларда ва районларда рўй берган қийинчиликларни енгишга анча ёрдам берди.

Ўзбекистон пахта далаларининг меҳнаткашлари чигитни тор қаторлаб экиш ва ғўзани квадрат-уялаб жойлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан бениҳоя фойдали эканлигини яққол кўриб ишондилар. Ғўза квадрат усулида ишланганда меҳнат 40-50 процент кам сарф бўлди, ҳосилдорлик 15-20 процент ва ундан ҳам кўпроқ ошди, илғор бригадаларда эса ҳар бир колхозчи ҳисобига 10 тоннагача етказилиб пахта етиштирилди.

Ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш, қатор ораларини икки томонлама ишлашнинг афзалликлари кўпгина колхозларнинг мисолида яққол кўринди. Чорток районидаги «Москва» колхози 615 гектар ернинг ҳаммасида ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаб, 38 центнердан ҳосил олди; Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз 628 гектар ернинг ҳаммасидаги ғўза қатор ораларини прогрессив усулда ишлаб, 37 центнердан ҳосил олди; Олтинкўл районидаги «Коминтерн» колхози 500 гектар ғўзани шу усулда парвариш қилиб, 37,3 центнердан ҳосил олди, Ўртасарой районидаги «Полярная Звезда» колхози ҳамма майдонининг 90 процентидаги ғўзани илғор усулда парвариш қилиб, 36 центнердан пахта олди; Пахтаобод районидаги Ленин номли колхоз 93 процент ердаги ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаб, 34 центнердан пахта олди; Уйчи районидаги Ворошилов номли колхоз 1215 гектар ердаги ғўза қатор ораларининг ҳаммасини икки томонлама ишлаб, 30 центнердан ҳосил олди; Косонсой районидаги «Коммуна» колхози 936 гектар ернинг 850 гектаридаги ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлаб, 30 центнердан пахта олди; Иштихон районидаги Фрунзе номли колхоз 835 гектар ғўзанинг қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаб, 25 центнердан ҳосил олди.

Наманган ва Тошкент областларида, Ўртасарой, Пискент, Ленин, Чинобод районларида ва республиканинг бошқа кўп районларида ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаш усули кенг равишда амалга оширилди.

Қолоқ колхозларни, совхозларни, МТСларни ва районларни ўрта ва илғорлар даражасига етказиш пахтачиликни янада юксалтириш ишида катта резерв бўлди. Уларга берилган ташкилий ва моддий-техника ёрдами шу хўжаликларда пахта ҳосилдорлигини оширишга ва уларнинг экономикасини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда машина-трактор станцияларининг роли ортди.

Шу нарса диққатга сазоворки, ўтган йили ҳеч бир истисносиз ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон автоном республикаси пахта тайёрлаш давлат планини бажарди.

Энг йирик пахтакор областларнинг муваффақиятлари айниқса катта бўлди. Тошкент областининг колхозлари ва совхозлари пахта тайёрлаш давлат планини ва социалистик мажбуриятни республикада биринчи бўлиб бажариб, 190 минг гектар ернинг ҳар бир гектаридан ўрта ҳисобда 24,7 центнердан ҳосил олдилар ва давлатга 469 минг тонна пахта топширдилар, Андижон области меҳнаткашлари эса 158 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 26,5 центнердан ҳосил олиб, давлатга 419 минг тонна пахта топширдилар. Сурхондарё областининг пахтакорлари ҳам астойдил меҳнат қилдилар. Улар совет сортидан бўлган пахтанинг ҳар гектаридан область бўйича ўрта ҳисобда 31 центнердан ҳосил олиб, ингичка толали пахта етиштиришни анча кўпайтирдилар.

Пахта учун курашда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ажойиб новаторлари ўсиб етишди. Унлаб районлар, колхозлар пахтадан мўл ҳосил олиб, бутун мамлакатда ном чиқардилар.

Денов райони 17 минг 320 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 60 минг тоннадан кўпроқ пахта топширди. Оржоникидзе район колхозлари гектаридан 38 центнердан, Тўрақўрғон районининг колхозлари 32 центнердан, Ленин районининг колхозлари 31,4 центнердан, Пахтаобод райони колхозлари 31,1 центнердан, Андижон районининг колхозлари 32 центнердан пахта олдилар. «Ҳазорбоғ» совхози эса ҳар гектар ердан давлатга 39 центнердан пахта топширди.

Мирзачўл ерларига жойлашган Сирдарё, Гулистон, Верхне-волинск ва Мирзачўл районларининг колхозлари ва совхозлари 42 минг гектар пахта майдонининг ҳар бир гектаридан ўрта ҳисобда 26 центнердан ҳосил етиштирдилар. Гулистон районидаги Молотов номли колхоз эса 1236 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан пахта топширди.

Республикада агротехниканинг янги усулларини дадиллик билан жорий қилган кўп колхозлар ҳар гектар пахта майдонидан 35-42 центнердан ҳосил олдилар. Китоб районидаги Хрушчев номли колхоз гектаридан 42 центнердан, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози 40 центнердан, Узун районидаги Ленин номли колхоз 39 центнердан, Пастдарғом районидаги Чкалов номли колхоз 39 центнердан, Наманган районидаги «Ленинград» колхози 37 центнердан, Боғот районидаги Нариманов номли колхоз 32 центнердан, Избоскан районидаги Сталин номли колхоз 37 центнердан пахта олди.

Луб экинлари экувчи колхозлар катта ғалаба қозондилар. Ҳар гектардан олинган каноп ва жутнинг ўртача ҳосили 1955 йилдаги 37 центнер ўрнига 1956 йилда 55 центнерга кўтарилди.

Республика колхозлари ва совхозлари чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Республикада 1955 йилдагига қараганда 49 минг тонна кўп сут олинди, шунингдек гўшт, жун, қоракўл тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам кўпайди. Давлатга 1955 йилдагига нисбатан сут 28 минг тонна, гўшт 10 минг тонна кўп топширилди.

Республикадаги кўп районлар, колхозлар ва совхозларнинг иш тажрибалари чорвачиликни пахтачилик билан мустаҳкам боғлаб олиб бориш мумкинлигини яққол исботлаб берди.

Республикада пахтадан энг кўп ҳосил олган Оржоникидзе райони ўрта ҳисобда ҳар бир соғин сигирдан 2129 килограммдан сут олишга муваффақ бўлди ва ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдорини бир йилда 519 килограмм кўпайтирди. Калинин районидаги Сталин номли колхоз ҳар бир соғин сигирдан 3426 килограммдан ёки умумий ер майдонининг ҳар 100 гектари ҳисобига 475 центнердан сут соғиб олди. Шу райондаги Ворошилов номли колхоз ҳар бир сигирдан 3232 килограммдан сут соғиб олиб, ўрта ҳисобда ҳар бир соғин сигирдан олинаётган сутни 1955 йилдагига қараганда 732 килограмм кўпайтирди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун умумхалқ курашида республиканинг ҳамма меҳнаткашлари актив қатнашганликлари туфайли ҳам пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда ана шундай муваффақиятлар қўлга киритилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари саноат корхоналари ишчиларининг, совет муассасаларидаги хизматчиларнинг, олий ўқув юртлари ва техникум студентларининг, мактаб ўқувчиларининг пахта теришда колхозларга ва совхозларга катта ёрдам берганликларини миннатдорчилик билан қайд қиладилар.

Бизнинг шонли совет интеллигенциямиз — илмий-текшириш муассасаларининг ходимлари, агрономлар, ирригаторлар, инженерлар қишлоқ хўжалик фанини тинмай ривожлантириб ва унинг муваффақиятларини ҳамда илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун актив курашиб, пахтачиликни ривожлантиришга кўп меҳнат сарфламоқдалар.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари Ватанимиздаги барча халқларнинг қардошларча ёрдам бераётганликларини доим сезиб турибдилар. Москва ва Ленинград, Сталинград ва Харьков, Владимир ва Минск, Горький ва Свердловск, Барнаул ва Челябинск заводлари республикани биринчи даражали техника билан таъминламоқдалар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг Озарбайжон ва Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон, Туркманистон ва Арманистон пахтакорлари билан қардошларча ҳамкорлиги пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун умумхалқ курашида тағин ҳам кўпроқ чиниқди ва мустаҳкамланди. Бу республикаларнинг традицион социалистик мусобақаси ва бир-бирига ёрдамлашуви совет пахтачилигини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятлар қозонишнинг гаровидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисидаги, Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштиришни кенгайтириш тўғрисидаги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштиришнинг янги тартиби тўғрисидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш нархларини ошириш тўғрисидаги, колхозчиларга ҳар ойда аванс бериб туриш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек колхозчилар кенг оммасини артель ишларини бошқаришда кенг қатнаштириш мақсадида қишлоқ хўжалик артели Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш соҳасида қилинган ишлар пахтачиликни ва республикамиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда жуда катта роль ўйнади. Мана буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий ташаббускорлигини, жамоат хўжалигининг тақдири учун уларнинг масъулиятини оширди.

КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашда биз фақат биринчи қадамларнигина қўйдик. 1957 йилда бизнинг олдимизда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш юзасидан янги тағин ҳам мураккаброқ вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бутун шарт-шароит бор. Республикада ўн минглаб тракторлари, экскаваторлари, комбайнлари, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари бўлган юзлаб МТС ва машина экскаватор станциялари ишламоқда. Бу машиналар далачилик, чорвачилик, сув хўжалигидаги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги, меҳнатни кўп талаб қиладиган асосий ишларни тўла равишда машиналаштиришга имкон беради. Бой тажриба тўпланди, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари бўлган ажойиб кадрлар ўсиб етишди.

Бизнинг битмас-туганмас резервларимиз бор. Лекин бу резервларнинг ҳаммаси ҳам ҳали тўла равишда ишга солинган эмас. Шуни унутмаслик керакки, ўтган йил баъзи колхозлар, совхозлар ва ҳатто районлар пахта тайёрлаш планини бажармай давлатдан қарздор бўлиб қолдилар. Уз қўшнилари бўлган илғор колхозлар ва совхозлар билан баббаравар шароитда турсалар ҳам лекин республикамизда ҳамон орқада қолаётган хўжаликлар бор. Суғориладиган ерларни ўзлаштириш плани анча кам бажарилди, бир қанча суғориш системаларида сувдан ёмон фойдаланилмоқда, кўп колхозлар ва совхозларда эса сувнинг кўплаб исроф қилинишига йўл қўйилмоқда.

Бизнинг ишимиздаги катта бир хато шу бўлдики, ҳамма колхозлар ва совхозлар ҳам пахта теримини энг зарур кузги-қишки тадбирлар — 1957 йил ҳосили учун ерни кузда ҳайдаб қўйиш, ернинг шўрини ювиш ва яхоб бериш, гўнг ва бошқа маҳаллий ўғитларни далаларга чиқариш сингари ишлар билан қўшиб олиб борилмади. Ариқ ва зовурларни, коллекторларни тозалаш яхши ташкил қилинган эмас.

Машина-трактор станциялари ва совхозлар тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини кўклам дала ишларига тайёрлашни қониқарли олиб бормаётирлар.

Жамоат чорвачилигини ривожлантиришда катта камчиликлар бор. Кўп колхозларда ва совхозларда ҳали ҳам мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилмаган, чорвани урчитиб кўпайтириш яхши ташкил қилинмаган ва молларнинг кўп йўқотилишига йўл қўйилмоқда.

Машина-трактор станцияларининг анчагина қисмида қишлоқ хўжалигининг қудратли техникасидан ҳали ҳам қониқарсиз фойдаланилмоқда. 1956 йилда пахтани машинада теришга етарлик эътибор берилмади. Ҳолбуки, пахта етиштиришни комплекс механизациялаштирмасдан туриб ва аввало кўп меҳнат талаб қиладиган пахта териш ишини машиналаштирмасдан туриб, пахта етиштиришни янада кўпайтириш мумкин эмаслиги ҳар бир кишига равшандир.

Биз олтинчи беш йилликнинг иккинчи йилига қадам қўйдик.

Бу йил совет халқи шонли кунни — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини нишонлайди, Коммунистик партия раҳбарлиги остида босиб ўтилган йўлни якунлайди. Ватанимиз меҳнаткашлари бу қувончли байрамни хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида янги зўр муваффақиятлар билан нишонлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз, қишлоқ хўжалик илғорлари республика қурултойининг қатнашчилари Ўзбекистон колхозчилари номидан МТС, машина-экскаватор станциялари ва совхозларнинг ишчилари номидан, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан қуйидаги мажбуриятларни оламиз.

### ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА

Энг аввало ҳосилдорликни ошириш йўли билан пахта етиштиришни янада кўпайтиришни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб ҳисоблаймиз.

1957 йилда республикамиз бўйича ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини 24 центнерга етказамиз ва давлатга камида 3 миллион тонна пахта топширамиз:

Тошкент области бўйича гектаридан 26,0 центнердан ҳосил олиб, 475 минг тонна пахта топширамиз;

Фарғона области бўйича гектаридан 24,0 центнердан ҳосил олиб, 410 минг тонна пахта топширамиз;

Наманган области бўйича гектаридан 27,0 центнердан ҳосил олиб, 312 минг тонна пахта топширамиз;

Андижон области бўйича гектаридан 27,5 центнердан ҳосил олиб, 435 минг тонна пахта топширамиз;

Самарқанд области бўйича гектаридан 21,0 центнердан ҳосил олиб, 346 минг тонна пахта топширамиз;

Бухоро области бўйича гектаридан 20,0 центнердан ҳосил олиб, 280 минг тонна пахта топширамиз;

Қашқадарё области бўйича гектаридан 20,0 центнердан ҳосил олиб, 121 минг тонна пахта топширамиз;

Сурхондарё области бўйича гектаридан 26,0 центнердан ҳосил олиб, 210 минг тонна пахта топширамиз;

Хоразм области бўйича гектаридан 22,0 центнердан ҳосил олиб, 235 минг тонна пахта топширамиз;

Қорақалпоғистон АССР бўйича гектаридан 18,0 центнердан ҳосил олиб, 176 минг тонна пахта топширамиз;

Шу жумладан совхозлар бўйича гектаридан 25,0 центнердан ҳосил олиб, 170 минг тонна пахта топширамиз;

Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун резервларимизнинг ҳаммасини ишга соламиз, агротехника тадбирларининг даражасини оширамиз, бу тадбирларни табиий шароитларга ва ғўзаларнинг ўсиш вақтидаги холатига қараб ўтказамиз.

Чигит экишдан олдин ерни ишлаш, экиш ва ғўзани парвариш қилишни ўз вақтида ўтказиш билан:

а) экилган чигитларнинг ҳаммасини апрель ойининг охиригача, шимолий районларда эса май ойининг дастлабки ўн куни охиригача тўла ва текис ундириб оламиз;

б) ҳамма ғўзани июннинг дастлабки ўн куни охиригача ёппасига шоналатамиз ва июлнинг дастлабки ўн куни охиригача текис гуллатиб оламиз;

в) 1 августгача ҳамма далада ҳар бир ғўза тупида ўрта ҳисоб билан 6-7 тадан тўқ кўсак бўлишини ҳамда жуда кўп шона, гул ва тугунча бўлишини таъминлаймиз;

г) пахта тайёрлаш давлат планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигигача бажариб, камида 85 процент пахтани биринчи сортларга топширамиз.

Шу мақсад билан:

1. Ерларни экишга тайёрлаш учун ҳайдаш ва бошқа ишларни ўтказишда қиш даврининг ҳар бир қулай кунидан фойдаланамиз, чигитни энг яхши муддатларда экиб олиш учун ҳар бир ер участкасини яхши сифатли қилиб тайёрлаб қўямиз.

2. Ерларнинг шўрини ювиш учун далаларни агротехника жиҳатдан энг яхши муддатларда сифатли қилиб суғорамиз ва шўри ювилган ерларни ўз вақтида бороналаб, шўрнинг ер бетига тепишига йўл қўймаймиз, ҳамма экин майдонида тупроқда тўпланган намни сақлаб қоламиз.

Чигитнинг яхши униб чиқиши ва дастлабки ўсиш даврида ғўзаларнинг яхши ривожланишини таъминлайдиган нормал шароит вужудга келтириш учун ёғингарчилик етарлик бўлмаган ва ер ости сувлари чуқур бўлган ҳамма районда эгат олиб, запас суғоришни ташкил қиламиз.

3. Ер яхши текисланиб, чигит экилганидагина ғўзанинг сийрак бўлиб қолишига йўл қўймаслик мумкинлигини, шунингдек ғўзаларни эгатлар орқали яхшилаб суғориш учун шароит вужудга келтириш ва ҳамма ғўза тупларининг бир текисда баббаравар ривожланишини таъминлаш мумкинлигини назарда тутиб, ҳар бир ер участкасини яхшилаб, текислаймиз. Далаларнинг ўнқир-чўнқирларини яхшилаб текислаш, ҳосилни оширишнинг катта резервидир. Бу резервдан тўла равишда фойдаланиш керак.

4. Чигит экиладиган ерларни биринчи мартдан кечиктирмай, батамом ажратиб қўямиз. Ерни тайёрлаш ва чигит экиш вақтида даланинг ҳар бир бўлагидан тўлиқ фойдаланишни контроль қилиб турамиз. Шу муддатда ўлчов сими тортилиб сеялка билан чигит экиладиган участкаларни ўлчаб, батамом тахт қилиб қўямиз.

5. Чигитни яхши тайёрланган ерларга энг яхши агротехника муддатларида 8-12 кун ичида экамиз. Колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг раҳбарлари ҳар қайси колхозда ва совхозда чигит экишнинг энг яхши вақтини мутахассислар ва илғор пахтакорлар билан биргаликда ўзлари белгилашлари лозим. Энг муҳими шуки, экишни расмий равишда тамомлаш билан кифояланмай, чигитнинг бир текис, барвақт ва соғлом униб чиқишини таъминлаш керак. Шундай қилингандагина ғўзалар яхши ривожланади, серкўсак бўлиб пахтаси тез пишиб етилади.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

